



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 25-dekabr • Shanba • 151-152 (31.272) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan
www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Ахборот соҳасига бозор механизмларини янада кўпроқ жорий этиш ва интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмиталарининг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида бўлиб ўтган кўшма мажлисида «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларининг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларининг Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларининг агентлиги томонидан ижро этилишини, илгор ахборот-коммуникация технологияларини медиа маконга кенг жорий қилиш, оммавий ахборот воситаларининг нодавлат секторини ривожлантириш соҳасидаги давлат дастурлари Тошкент вилоятида ижро этилишининг боришини ўрганиш натижалари қўриб чиқилди.

Кайд этилганидек, ушбу масалалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 26 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисидаги, 2010 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузаларининг тобора кенгайиб бораётган нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базаси янада ривожланишини, муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулк ҳимоя қилинишини таъминлашга, шунингдек, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этишга доир асосий қоидалари ва ҳулосаларини рўйбога чиқариш мақсадида ўрганилди.

Ўрганиш шунини кўрсатдики, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги ҳамда «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тегишли талабларини ижро этиш, Тошкент вилоятида эса илгор ахборот-коммуникация технологияларини медиа маконга кенг жорий этиш, оммавий ахборот воситаларининг нодавлат секторини

ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини бажариш юзасидан муайян ишлар олиб борилган.

Чунинчи, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 6 июлда тасдиқлаган Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг 2002-2010 йилларга мўлжалланган дастури ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида мунтазам иш олиб борилмоқда. Давлат ахборот ресурслари ва тизимлари реестри ташкил этилган бўлиб, унда 187 та ахборот ресурси рўйхатга олинган. Интернет халқаро ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида халқаро оптик толали телекоммуникация тармоғига уланиш йўналишларининг сони олтитага етказилди. Интернетдан фойдаланувчи фуқаролар сони 6,6 миллион нафардан ортди, интернет халқаро тармоғида хизматлар кўрсатаётган операторлар ва провайдерларнинг умумий сони эса 965 тага етган. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда дастурий маҳсулот чиқарадиган 230 га яқин корхона ва ташкилот ишлаб турибди, 264 номда дастурий маҳсулот рўйхатга олинган ва ишлаб чиқарилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Фракция фаолияти



Қонунлар лойиҳалари юзасидан ЎзХДП фракциясининг нуқтаи назари белгилаб олинди

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламент куйи палатаси муҳокамасига киритилаётган қатор масалалар қўриб чиқилди.

Даставвал, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Маълумот ўрнида айтиш лозимки, мазкур қонуннинг амалдаги таҳририга кўра, давлат тасарруфидан чиқарилиши мумкин бўлмаган объектлар қаторига ҳарбийлаштирилган автоколонналар ҳам қўшилган эди. Бундай объектларни ривожлантириш, замонавий техникалар билан

бойитиш, мавжуд автотранспорт фондидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш мақсадида улар Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида хусусийлаштириш мумкин бўлган объектлар тоифасига ўтказилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини депутатлар иккинчи ўқишда муҳокама этишди. Мазкур лойиҳа «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини дав-

лат томонидан назорат қилиш тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» ҳамда «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутди. Бундан асосий мақсад, тадбиркорлик субъектларини назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат жараёнини юридик жиҳатдан янада тартибга солишдан иборат. Муҳокама чоғида ҳар бир бандга алоҳида эътибор қаратилди, унинг назарий ва амалий аҳамияти хусусида батафсил тўхталиб ўтилди.



Иқтисодиёт ва ислохот

Бирники — мингга, мингники — туманга

Китоб туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича вилоят кўргазмали семинар-кенгаши бўлиб ўтди



Бугун саноатбол, шарбати мўл «саферави», «баяншире», «изабелла», «мускат» ва бошқа узумларнинг асл навлари айнан Китобда сақланиб қолган. Тойли, хусайни, кишмиш, султони ва бошқа хўраки узумлар ўсаётган боғлар ҳам анчагина. Варганза қишлоғининг анорлари, Сумак қишлоғининг нашватлари, сархил мевалари воҳада машхур. Умуман, туман вилоятнинг 60-65 фоиз узумини, 30-35 фоиз сабзавотини етиштириб беради. Кейинги икки йилда картошкачилик ҳам муҳим тармоққа айланди.



Тахририятимиз меҳмони

Равшан ЭРМАТОВ:

«ВАТАН ШАЪНИНИ
УЛУФЛАШ —
ЭНГ КАТТА БАХТ!»



Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг III пленуми жорий йилнинг 28 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтди. Қатнашчиларни рўйхатга олиш 10:00да бошланади. Пленумда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг бажарилишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси амалий иштирокининг истикболдаги вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама этилади.

«ЎЗБЕКISTON OVOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220



Танқиддан сўнг...

«ЕТАКЧИНИНГ
МАСЪУЛИЯТ-
СИЗЛИГИ»



Мулоҳаза

ҲАЙДОВЧИ
МАСЪУЛИЯТИ
ВА ЙЎЛОВЧИ
МАДАНИЯТИ



Эътироф

Дунёнинг кўплаб мамлакатларига саёхат қилганман. Лекин ҳеч бери мени Ўзбекистондек ҳайратлангирмаган. Юртингизга саёхатимни Тошкентдан бошлаганимдан хурсандман. Қисқа вақтда Тошкент менга қадрдон бўлиб қолди. Чунки пойтахтингизнинг файзли кўчалари, боғ-ҳибоблари, замонавий бинолари ҳар бир сайёҳ эътиборини жалб этиши шубҳасиз.

Дўхонлардаги миллий ва замонавий либослар, хилма-хил хунарманчилик буюмлари мени лол қолдирди. У ердан ҳар бир сайёҳ ўзи истagan ва дидига мос буюмни топиши аниқ. Онам учун адрас ва атлас харид қилдим. Саёхатим Янги йил байрами арафасига тўғри келганидан жуда мамнунман. Юртингиз байрам арафасида янада гўзал ва мафтункор диёрга айланибди. Мазкур байрамни Ўзбекистонда кутиб олаётганимдан бағоят хурсандман. Чет эллик меҳмонларнинг, сайёҳларнинг мароғли ҳордик чиқариши учун юртингизда барча шароит муҳайё. Бу заминда кутиб олажак янги йилнинг унутулмас таассуротлар қолдириши шубҳасиз.

Вейшенг НЯНЬ (Хитой).

ОБ-ҲАВО 25-26.12.2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	7°C	9°C
Самарқанд	5°C	10°C
Нукус	2°C	7°C
Қарши	8°C	13°C
Урганч	2°C	7°C
Навоий	7°C	12°C
Фарғона	5°C	10°C
Бухоро	5°C	10°C
Андижон	5°C	10°C
Наманган	5°C	10°C
Термиз	8°C	13°C
Жиззах	5°C	10°C
Гулистон	5°C	10°C
Тошкент вил.	5°C	10°C
Лондон	1°C	3°C
Париж	0°C	1°C
Москва	-10°C	-9°C
Мадрид	-2°C	2°C
Пекин	-2°C	1°C
Гонгконг	15°C	18°C
Рим	6°C	4°C
Анқара	8°C	7°C
Токая	7°C	6°C
Стокгольм	-10°C	-11°C
Кейптаун	14°C	12°C
Крэйра	4°C	5°C
Гавана	14°C	13°C
Вашингтон	-1°C	0°C

O'zbekiston hayo yo'lari



Хизматлар лаврашловчи

Ахборот соҳасига бозор механизмларини янада кўпроқ жорий этиш ва интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тегишли лицензияга эга бўлган қарийб 970 та юридик шахс маълумотлар узатиш тармоғида хизматлар кўрсатишда. Давлат органлари томонидан 114 та веб-сайт ташкил этилган. Домен зонасида ишлаётган веб-сайтлар сони бугунги кунда 10670 тадан ортиқ. Миллий ахборот маконидан узлуксиз таълим тизимини ташкил этиш мақсадида «ZiyoNet» тармоғи яратилган бўлиб, унга 11305 та таълим муассасасининг 10670 таси уланган.

«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларини бажариш мақсадида Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилган, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги шартномаларнинг ижро этилиши мониторинг қилинмоқда. Бугунги кунга келиб 3269 та адабий ва илмий асарлар объекти ҳамда санъат асарлари, шунингдек, турдош ҳуқуқлар рўйхатга олинган. 2008-2010 йиллар мобайлида Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги билан муаллифларнинг меросхўрлари ўртасида уларнинг мулкий ҳу-

қуқларини коллектив асосда бошқариш тўғрисида 23 та шартнома тузилган. Шу даврда муаллифлик шартномаси институтининг моҳиятини тарғиб қилиш ҳамда аҳолига, шу жумладан, ижодий меҳнат билан шугулланувчи муаллифларга юридик маслаҳатлар бериш мақсадида 150 дан ортиқ семинар, конференция ва давра суҳбати ўтказилди.

Илгор ахборот-коммуникация технологияларини медиа маконга кенг жорий этиш, оммавий ахборот воситаларининг нодавлат секторини ривожлантириш мақсадида Тошкент вилояти ҳокимининг 2005 йил 5 августдаги Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш дастурини тасдиқлаш ҳақидаги қарори қабул қилинди. Ҳозирги кунда вилоятда 55 та оммавий ахборот воситаси чоп этилаётган бўлиб, шунинг 22 таси нодавлат секторга мансубдир.

Шу билан бирга, масалани кўриб чиқиш асосида сенаторлар ва юррида номлари келтирилган агентликлар ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши вакиллари юқоридagi қонунларнинг талабларини ижро этилишини таъминлаш ва нодавлат оммавий ахборот

воситаларини ривожлантириш, мавжуд куч, нафла ва ресурсларни илгор ахборот-коммуникация технологияларини пойтахт вилоятининг медиа маконига жорий этиш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар самарадорлигини янада ошириш зарурлигига қаратдилар. Мажлисида ахборот соҳасига бозор механизмларини янада кўпроқ жорий этиш, интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари юзасидан бир қатор тавсиялар ҳам берилди.

Муҳокама якунлари бўйича қўмиталарнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Қўшма мажлис ишида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги раҳбарлари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши доимий комиссияларининг раислари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюشمаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

(ЎЗА)

ЎЗХДП вилоят кенгашида

Натижа амалий ҳаракатларимизга боғлиқ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят кенгаши Президентимиз илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш масалаларига бағишланган семинар ўтказди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, вилоят партия кенгаши ижроия қўмитаси аъзолари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, туман, шаҳар партия ташкилотлари раҳбарлари, фаоллар иштирок этди.

Маълумки, Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сурди. Давлат ҳокимияти тармоқларини янада демократлаштириш, парламентнинг муҳим сиёсий вазифаларини ҳал этишдаги ролини мустақамлаш, сайлов тизимини, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга оид аниқ тақлифлар билдирилди.

Шуниси муҳимки, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий тизими ва иқтисодиётида ислохотларни изчил амалга ошириш мамлакат демократик янгиликларининг янги босқичига йўл очди.

Концепциянинг асосий қондалари партияимиз электрoратининг манфаатларига мос, — деди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлими муdiri Боймурод Юсупов. — Бу эса Президентимиз ташаббусини нафақат қўллаб-қувватлаш,

балки мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда бевосита амалий иштирок этишимиз зарурлигини кўрсатади.

— Сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилиши тизимидаги ролини кучайтиришга қаратилган Конституциявий қонуннинг кучга кириши мамлакатни демократик янгилик, фуқаролик жамиятининг асосларини мустақамлаш борасидаги ишларни муҳим босқичга олиб чиқди, — деди Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг минтақавий ахборот-таҳлил маркази катта илмий ходими Набижон Темиров. — Партиялар ўз мақсадларига изчиллик билан эришиши, фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, электрoрат хоҳиш-иродасини ифода этиш, марказда ва жойларда давлат ҳокимиятини тако-

млантиришда иштирок этиши борасида мустақам ҳуқуқий майдон юзага келди. Президентимиз тақдим этган Концепция бу жараёни янада юқори поғонага кўтарди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам шундан келиб чиқиб, электрoратининг ижтимоий манфаатларини янада фаол ҳимоя этиши лозим. Мамлакатимизда аҳолининг тобора ўсиб бораётган сиёсий онги ва фаоллиги, электрoратнинг талабчанлиги ҳам шунга даъват этмоқда.

— Ҳар бир партия ҳаётдаги бирор-бир аниқ масалани ўз зиммасига олиб, уни охиригача ҳал қилишга интилса, шунинг хисобидан обрў қозониши, одамлар ишончига кириши мумкин. Бу мақсадларга эришиш учун ташаббус ва ҳаракат қуйдан, оддий инсонлар орасидан бошланиши керак. Демак, партия илгари суратган гоялар ҳам бугунги фаол ижтимоий-сиёсий жараёнларга ҳамроҳ бўлиши лозим, — деди халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгаши раҳбари ЎЗХДП депутatlари гуруҳи раҳбари Азимжон Исмолов.

Мунозарада сўзга чиққанлар Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳларининг барчаси ҳам бугунги кун талаби даражасида фаолият кўрсатаётгани, қонунда белгиланган ваколатларидан етарли фойдаланмаётгани, электрoрат манфа-

атини тўлиқ ифода этолмаётгани, партияимиз Ҳаракат дастурининг бажарилиши қониқарсиз эканини танқид қилишди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жўрақўзи Қўлдошев қонунчиликка тақлиф этилган ўзгаришлар сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатни кучайтириши ҳақида сўз юритди. ЎЗХДП Учкўприк туман кенгаши раиси Илҳомжон Каримов депутatlар гуруҳлари ва партия ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Фурқатжон Ҳомидов электрoрат манфаатларидан келиб чиқиб, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида олдимизда турган асосий вазифалар юзасидан аниқ тақлифларни ўртага ташлади.

Билдирилган фикрлар ҳисобга олиниб, партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг муҳим вазифалари белгилаб олинди.

Мухаммадjon ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Танқиддан сўнг...

«Етакчининг масъулиятсизлиги»

Газетамизнинг 11 декабрь сонидан шу номли мақола эълон қилинган эди. Унда ЎЗХДП Сергели туман кенгашида юзага келган нохуш аҳвол, партиявий ишларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, бошланғич ташкилотлар билан ишлаш қониқарсиз экани, Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти талабга жавоб бермаслиги танқид қилинган. Мазкур мақолада кўтарилган масалалар юзасидан таҳририятимизга жавоб келди. Унда жумладан, шундай дейилади:

«Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитасининг туман партия ташкилотлари раҳбарлари ва фаоллари иштирокидаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Сергели туман партия кенгашида юзага келган аҳвол ҳақидаги масала батафсил муҳокама этилди.

Аввало таъкидлаш керакки, мазкур танқидий мақолада билдирилган айрим фикрлар нафақат Сергели, балки бошқа баъзи туман партия кенгашларига

ҳам тегишлидир. Чунки қаерда шундай эътиборсизлик, ўз ишига масъулиятсизлик ҳукм сурса, албатта ишлар орқага кетади, сиёсий партия кўзлаган мақсадга эриша олмайди.

Танқидий мақола эълон қилингандан сўнг туманда партиявий ишларни жонлантириш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди. Туман кенгаши қардлар билан мустақамланди, шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари вазифасини бажариб келган Рузбек Тўраев Сергели ту-

ман партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи этиб сайланди.

Айни пайтда бу ўзгаришлар ўзининг дастлабки натижаларини бермоқда. Бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш кучаймоқда. Хусусан, яқинда мақолада тилга олинган туман давлат Бош санитария-эпидемиология нazorат марказида партияимиз аъзолари ва бошқа ходимлар иштирокида учрашув ташкил этилди. Унда бошланғич ташкилот ишларини қайтадан жонлантириш, ташаббускорликни ошириш каби масалалар муҳокама этилди.

Туман партия кенгашида ҳар бир бошланғич ташкилот билан иш олиб бориш режаси ишлаб чиқилди ва шунга асосан турли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ижроия қўмита йиғилишида, шунингдек, бошқа туман партия кенгашларидаги айрим салбий

ҳолатлар ҳам батафсил муҳокама қилинди. Камчиликларни бартараф этиш, фаоллини ошириш, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз билан мустақам ҳамкорликда ишлаб, электрoратимизни ташвишга солаётган масалаларни сессиялар, доимий комиссиялар муҳокамасига олиб чиқиш вазифалари белгилаб олинди.

Йиғилишда ижроия қўмита аъзоларидан иборат ишчи гуруҳи тuzилди. Унинг зиммасига аввало Сергели туманида партиявий ишларни кучайтириш ҳамда бошқа туман партия кенгашларидаги айрим камчиликларни тuzатишга амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилди. Бир ойдан сўнг бу масала яна қайтиб, ишчи гуруҳи фаолияти якунлари кўриб чиқиши белгилаб олинди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси У. ШОЙИМКҲУЛОВ.

ЎЗХДП: да сиёсий ва фуқаролик маърифати



Ижтимоий муҳофазани мустақамлашда

партиянинг ҳар бир бўғини муносиб иштирок этиши зарур

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан Президентимизнинг Конституция байрамидаги маърузасида таъкидланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ЎЗХДП ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

иш ўринларига оид маълумотларни сохталаштириш, бўш иш ўринларини эшириш каби ҳолатларга йўл қўймаслик лозим. Бунинг учун мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш керак.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган маҳаллий дастурларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партияимиз депутатлик гуруҳларининг назорат-таҳлил фаолиятини такомиллаштириш, ёшларга меҳнатга оид муносабатлар ҳақида атрофлича тушунча бериш масалаларига тўхталиб ўтишди.

Шундан сўнг, иштирокчилар Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ЎЗХДП депутатлик бирлашмалари, партия ташкилотлари зиммасига тушадиган долзарб вазифалар хусусида гуруҳларда фикр алмашишди. Унда асосий эътибор халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партияимиз депутатлик гуруҳлари ишини жонлантиришга қаратилди.

Тўлқин ТўРАХОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Фракция фаолияти

Қонунлар лойиҳалари

юзасидан ЎЗХДП фракциясининг нуқтаи назари белгилаб олинди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Ўзбекистон Республикасининг «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама ҳам қизгин баҳс-мунозараларга бой ўтди. Ишлаб чиқариши модернизация қилиш ва янги инновацион технологиялар санаятга кенг кириб келиши мазкур ўзгаришларга эътиёж туғдиргани таъкидланди. Унга кўра, радиациявий хавфсизлик назоратини амалга ошириш, радиация-гигиена паспорти ҳамда радиация ва ядровий материалларнинг сақланишини таъминлаш устидан назорат каби масалалар қонуний ечимини топаётгани қайд этилди.

Биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасидан кўзланган асосий мақсад амалдаги бир қатор қонунларни «Маданий мерос объектларини муҳофазация қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида», «Маданий бойликларнинг олиб чиқиши ва олиб кирилиши

тўғрисида», «Архив иши тўғрисида» ҳамда «Музейлар тўғрисида»ги қонунларда назарда тутилган қондалар нуқтаи назардан қайта кўриб чиқишдир. Аниқланишича, айрим мезърлар юқоридagi қонунлар талабларига зид ёки мос келмайди. Бунинг сабаби ўзгариш ва қўшимчалар киритиш йўлжалланаётган қонун ҳужжатларининг нисбатан анча илгари амалга киритилганидир. Ўтган вақт давомида қонун ҳужжатларининг тобора такомиллашиб бораётгани айрим қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама этилди. Бундан кўзланмаётган асосий мақсад судлар фаолиятини тартибга солиш ва унинг ҳуқуқий базасини мустақамлашдан иборат. Унга кўра суд тизими обрўсини юксалтириш ҳамда мустақиллигини мустақамлашга, хусусан судьяларнинг дахлсизлигини қонун билан кафолатлаштириш тўғрисидаги конституцион қондан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қонун тартибидан ўрин олган «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамаида таъкидландики, мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдан асосий мақсад атроф-муҳит муҳофазаси тизимини фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобига кенгайтиришдан иборат. Муҳокамага қўйилган қонун лойиҳаси айна жараёнинг ҳуқуқий асосини ўзида оқс эттиради.

Ўзбекистон ХДП фракцияси томонидан қонун лойиҳаларини янада такомиллаштириш мақсадида берилган бир қатор тақлифлар ҳам иккинчи ўқишга киритилаётганда инобатга олинди. Шунингдек, фракция ўз ваколати доирасида бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди. Барча қонун лойиҳаларига электрoрат манфади ва партиянинг Сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда ёндашилди ҳамда улар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.



Абдугаффор ҚИРФИЗБОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— Партияимиз ўз электрoрат манфаатини ҳимоялаш борасида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиши зарур. Бунда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни бошқичма-бошқич ўрта синф вакиллари айлантириш механизми ишлаб чиқишимиз лозим.

Асли КАМОЛ

Иқтисодийёт ва ислоҳот

Қурилиш қизғин давом этмоқда

■ Маълумки, 2001 йили «Навоий-Учкудук-Султон Увайс-Тоғ-Нукус» темир йўли фойдаланишга топширилди, ундан сўнг умумий қиймати 447 миллион АҚШ доллари бўлган «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли барпо этилди. Ҳозир юртимизда халқ ҳўжалиги юқларининг 80 фоиздан ортиги мазкур пўлат излар орқали ташилади.

Айни кўнларда Сурхондарё темир йўллари 411,8 километрни ташкил этади. Йўловчи ва юк ташиш ишлари 25 та станция, битта разьезд ва 4 та вокзал орқали амалга оширилмоқда. Янги темир йўл тўғайли йилига 50-60 миллион АҚШ доллари иқтисод қилинмоқда.


Бундан бир неча йил муқаддам Афғонистон ҳўкумати «Хайратон-Мозори Шариф» темир йўлини қуриш бўйича тендер

эълон қилган эди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси мазкур тендерни қўлга киритгач, ҳўкуматлар ўртасида ўзаро шартнома имзоланди. 2009 йил 20 ноябрда Трансафғон йўлагини ривожлантириш мақсадида Осиё Тарақийёт банки 129 миллион АҚШ долларига тенг маблағ ажратди. Қўшни мамлакатдаги темир йўл тармоғининг узунлиги 75 километр бўлиб,

унда 28 та сўний иншоот, 3 та станция ва 2 та разьезд қурилиши мўлжалланган.

— Шу кўнларда қурилиш-монтаж ишлари жадал олиб борилмоқда, бунга ўзбекистонлик мутахассислардан 747 нафари жалб қилинган, 80 тадан ортиқ қурилиш техникаси узлуксиз ишламоқда, — дейди, 166-йўл машина станцияси машинисти, Ўзбекистон Қўрамонии Юсуф Зияев. — Лойиҳа доирасида «Термиз-Хайратон» темир йўл тармоғининг 21 километрини реконструкция қилиш, локомотивларни етказиб бериш ҳамда Мозори Шариф шаҳрида юк терминали барпо этиш режалаштирилган.

Абдумалик ХАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Изланиш имконият эшикларини очади

■ 2006 йилда ўз фаолиятини бошлаган Қўнғирот сода заводи маҳсулот ишлаб чиқариш кўлами, замонавий технология билан жиҳозланиши бўйича Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Яқин келажакда корхонанинг лойиҳадаги қувватга тўлиқ эришиши кўтилмоқда.

Хусусан, мамлакатимиз халқ ҳўжалигида калцийлаштирилган содага бўлган эҳтиёж айни вақтда шаклланиб бораётган бўлиб, 2009 йилда бу ерда жами 76 672 тонна мана шундай маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш сурьати 2008 йилга нисбатан 108,1 фоизга ортди. Жорий йилда эса бу кўрсаткич 90 минг тоннага етмоқда. Бундан ташқари, экспорт ҳажми режадагидан қариб 5 баробарга юксалди.

Қўнғирот сода заводи чет эл корхоналари билан мустақам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2009 йилда 12 та хорижий фирма ва ташкилотлар билан шартнома имзоланган бўлса, бу йил уларнинг сони 18 га ошди. Бугунги кўнда «STARGOROD» (Эстония), ГАВК «Марказаноэкс-порт», «Казинк» МЧЖ (Қозғистон), «Майлуу-Суу» электролампа заводи, «Адель плюс» ОАЖ (Қирғизистон), «Астраханойна» ОАЖ (Россия), каби корхоналар мазкур завод билан мунтазам ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Шунингдек, бу ерда импорт

ўрнини босувчи янги маҳсулот турларини ўзлаштириш юзасидан тадқиқот ишлари олиб борилаётгани диққатга сазовор. Мазкур лойиҳаларга кўра, 2011 йилда импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган қўшма корхоналар фаолият бошлаш ва уларда 100 га яқин янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилмоқда.

Президентимизнинг Қўнғирот сода заводи учун кадрларни мақсадли тайёрлашни ташкил этиш тўғрисидаги қарорига асосан Тошкент кимё-технология институтининг Қўнғирот сода заводи қошидаги махсус сиртки бўлими ҳозирги кўн талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаб бермоқда.

— Мазкур таълим маскани ҳар жиҳатдан етук мутахассислар тайёрлашга мўлжалланган, — дейди Қўнғирот сода заводи директори ёрдამчиси, **ЎзАДП бошланғич ташкилоти етакчиси Бахтиёр Алланазаров**. — Талабаларнинг яхши билим олиши эса корхонамиз имкониятларини янада кенгайтиришга, салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Жумладан, яқинда

сиртки бўлим магистри С. Ўспонова юртимиз худудида кўп учрайдиган хомашёлардан фойдаланиб, кир ювиш воситаларини ишлаб чиқаришда асосий компонент бўлган маҳсулот яратди.

Хозирги кўнга келиб, ўқув юртини тутатган 200 дан ортиқ малакали кадрлар Қўнғирот сода заводида меҳнат қилмоқда.

Бугун 1250 киши фаолият юритаётган мазкур корхонада 100 нафардан ортиқ Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари бор. Бошланғич партия ташкилот раҳбарининг алоҳида таъкидлашича, бу ерда тез-тез сиёсий ўқувлар ташкил қилиниб, партиямиз илгари сураётган гоёлар тарғиботи, Олий Мажлис Қўнғиротлик палатаси депутатлари билан ўрашувлар ўтказиб турилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сахаро бағрида корхона билан бирга барпо этилган Элобод шаҳарчасида ҳам улкан янгилаш ишлари, беқийё бунёдкорлик ишлари бир зум бўлса-да, тўхтагани йўқ. Бу ерда қад кўтарайётган ши нам уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва айниқса, равон йўллар қўрған қўни қувнатди. Ўрта Осиёдаги энг йилки корхона жойлашган бу мўржаз шаҳарчанинг меҳнаткаш халқи турмуши ҳам тобора фаровонлашиб бормоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Маҳсулот ўзимизники, Ўзбекистонники!

«Ванғози агроэкспорт»га халқаро мукофот

■ Қизилтепа туманидаги «Ванғози агроэкспорт» масъулият чекланган жамият жамоаси ишлаб чиқараётган энг сара маҳсулотлар учун халқаро мувофиқлаштириш ва экспортлар қўмитасининг «OzDST ISO 9001-2009» сифат сертификати эга бўлди. Нуфузли мукофот республика маҳсулот сифат маркази раҳбарияти томонидан корхона аҳлига тантанали равишда топширилди.

24 соатда 100 тонна чигит ва 20 тонна бугдойни қайта ишлашга ихтисослашган мазкур кичик корхонанинг ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Аммо маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларни забот этапти. Чунки «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиги билан тайёрлаётган ўсимлик ёғи ва олий навли Қизилтепа уни замонавий тарзда қадқоклашиши ва

сифати жиҳатидан хорижликдан қўлишмайди. Қолаверса, ёғлилик даражаси юқори бўлган махсар, кунжут, зигир донларининг қўшилиши маҳсулотнинг сертаъам ва шифобахш бўлишига замин яратмоқда.

Маҳаллий шароитда етиштирилган «қора тажанг» бугдой унини белгиланган тартибда йод аралашмасига тўйинтириш

маҳсулотнинг сифатини оширапти. Маълумки, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида етиштирилаётган «қора тажанг» бугдойи тўйимлилиги ва ширадорлиги билан ажралаб туради. Корхонанинг барча асбобу-ускуна ва эҳтиёт қисмлари Германия, Молдова, Россия сингари чет давлатлардан келтирилган. Корхонанинг етакчи мутахассислари — Тойир Жалолов ва Саъдулла Муродов бир неча бор Хитой ҳамда Германияда бўлиб, жажон андозаси даражасидаги ўсимлик ёғи, тўйимли йодли уни ишлаб чиқариш технологияларини ўрганиб қайтишди. Бу ерда ҳозир 154 нафар йилгит-қиз меҳнат қилапти.

Музаффор ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Авалло, савол тўғилди. Китоб туманининг ўзига хос хусусияти нимада? Қандай тажриба тўпланган? Айтиш керакки, Хисор ва Зарафшон тизма тоғлари қўрғондек ўраб турган туман худуди ниҳоятда сўлим, боғ ва сабзавот яратиш учун қўлай. Айниқса, Юртбошимиз вилоятга раҳбарлик қилган даврда воҳада ўзига хос дехқончилик мактаби яратилган...»



Хусан РАҲИМОВ ошган суратлар.

Бирники — мингга, мингники — туманга

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Китоб туманида вилоят кўрғазмали семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз Президентининг томонидан белгилаб берилган давлат ва жамият тарақийётининг янги босқичида — олдимизда улғувор, кенг қамровли вазибалар турибди. Уларнинг аксарияти Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида амалга ошди. Қашқадарё вилоятда ҳам йил якунларини таҳлил қилиш, тарақийёт режаларини белгилаб олиш учун астойдил ҳаракат қилинмоқда. Айниқса, илғор тадбиркорларнинг кенг ёйилаётгани ишбилармонларга қанот бўлмоқда.

23 декабрь. Булутли кўн бўлса-да, анча совуқ. Китоб ва Шаҳрисабз туманларини боғловчи катта кўприқдан ўтгач, Пахтаобод қишлоқ фуқаролар йиғини худуди бошланди. Катта тош йўлни «уй» томонига, жийда ўсаётган кичик боғ олдида трактор-техника қатор тизилган. Соат тўғрисида воҳанинг барча тумани ҳўкимлари, уларнинг ўринбосарлари, фермер, боғбонлар ва тадбиркорлар, қишлоқ ҳўжалиги мутаассадилари, қишлоқ ва маҳалла оқсоқоллари шу ерга етиб келишди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга бағишланган вилоят семинар-кенгаши кўрғазмали асосда бўлгани учун меҳмонлар маҳаллий тажриба билан далайнинг ўзига таниша бошлашди.

Авалло, савол тўғилди. Китоб туманининг ўзига хос хусусияти нимада? Қандай тажриба тўпланган? Айтиш керакки, Хисор ва Зарафшон тизма тоғлари қўрғондек ўраб турган туман худуди ниҳоятда сўлим, боғ ва сабзавот яратиш учун қўлай. Айниқса, Юртбошимиз вилоятга раҳбарлик қилган даврда воҳада ўзига хос дехқончилик мактаби яратилган, хусусан, Китоб туманида плёнка остида эртанги сабзавот етиштириш тажрибаси кенг ёйилган. Уша кезларда шўро тузуми раҳбарлари алкоғоли ичимликка қарши кураш» деб санаётган уюмзорларни қийрата бошлашганда, вилоят раҳбари бунга қарши чиққан, воҳада 3 минг гектардан ошмиқ тоқзорларни сақлаб қолган.

Бугун санаётган, шарбати мўл «саферави», «баън-шире», «изабелла», «мускат» ва бошқа узумларнинг асл навлари айнан Китобда сақланиб қолган. Тойпи, ҳусайни, кишимиш, султони ва бошқа ҳўраки узумлар ўсаётган боғлар ҳам анчагина. Варганза қишлоғининг анорлари, Сумак қишлоғининг нашватлари, сархил мевалари воҳада машҳур. Умуман, туман вилоятнинг 60-65 фоиз узуми, 30-35 фоиз сабзавотини етиштириб беради. Кейинги икки йилда картошкачилик ҳам муҳим тармоққа айланган.

— Бу йил 35,5 минг тонна сабзавот, 66,5 минг тонна картошка, 7,5 минг тонна мева, 22,6 минг тонна узум етиштирдик, келгуси йил ноз-неъмат салмоғи янада ошадиган, — дейди, Китоб туман ҳўкимини Узақ Худойқўлов. — Олайлик, сабзавот 64 минг тоннадан, картошка 40 минг тоннадан, узум 33 минг тоннадан зиёд бўлади. Бунга имкониятларимиз борми? Албатта, бу йил 13 минг тонна уруғлик картошка тайёрладиқ. Жами 4949 гектар узумзорнинг 3430 гектар серхослик, 2391 гектар боғнинг 1140 гектари ҳосилли. Биз эски боғларни таъмирлаш, мева ва ток туп сонларини тўлдириш, янги боғлар яратишнинг аниқ режасини тузиб олганимиз, ишни шу асосда ташкил этганимиз. Дехқон-фермер ҳўжалиқларида, хатто томирқаларда янги-янги боғлар барпо этилмоқда. Шу кўнларда 582 гектар мевали боғ, 565 гектар узумзор яратилган. Шу йил кузининг ўзига 61 гектар майдонга мева, 100 гектар майдонга картошка ва тадбиркорлар, қишлоқ ҳўжалиги боғбонлари семинарда намойиш этиш учун ўнлаб сархил мева кўчатлари, шу билан бирга, Япон сафориаси, каштан ва бошқа манзарали дарахт ниҳоллари олиб чиқишган. «Алиев Дилшод» фермер ҳўжалиги раҳбари Мухаммади Алиев ўттиз йилдан буюн боғбон, у 27 хил мева кўчати етиштирган ва бу йил 15 миллион сўм фойда олган.

Китоб туманида ўз эҳтиёжидан ташқари бошқа туманларга мевали ва манзарали дарахтлар, ток кўчатлари етиштириб бериш

имконияти мавжуд. Семинарда Сербиядан серхосил мева кўчатлари олиб келиб, 12 гектар майдонда янги боғ яратган «Хайрат-бот сервис» МЧЖ ишлари кўздан кечирилди. «Янги замон» фермер ҳўжалиги тўрт гектар ерда «Шарқ гўзали» навли олғўри етиштирилади, уллар дарахтлар орасига кузги картошка экишган. Тажрибали агроном Тошпўлат бобо Хидиров «Навқат соҳибкор» фермер ҳўжалигида 4 гектар олмасор боғни қандай яратгани ҳақида гапириб берди. Ҳа, Китобда мана шундай фидойи боғбонлар жонқуялиги тўғайли олмаганинг асл навлари сақланиб қолган.

Китобликлар ерни гоётда қадрлайди. Семинар қатнашчилари Гулгўлгуш қишлоғида истикомат қилаётган Шўкрулло Қаюмовнинг хонадонига бўлиб, олти сотиқ томирқалар қарам ва картошқадан мўл ҳосил олаётганини кўрганда, бунга иқдор бўлишди. Шу қишлоқдаги Одил Эшев қўрған иссиқхона 60 туп лимон баракали ҳосил туққан...

Туманда маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлашга жиҳдий эътибор берилмоқда. Айни пайтда 6 та кичик қайта ишлаш корхонаси фаолият кўрсатади. «Богизар Варганза» фермер ҳўжалиги оғборхонаси Россияда тайёрланган совутиқлар билан жиҳозланган. Ҳозир унда 120 тонна олма сақланаётган экан. Бундай оғборхоналар туманда 3 та бўлиб, 3 минг тонна мева сақлаш имконига эга. Яна 2 та янги оғборхона қурилмоқда. Шу маънода, «Хасанов Шохрух Боқиевич» хусусий фермаси иши эътиборга молик. Бу жойда маҳсулот оғборхонаси билан бирга, иссиқхона қурилган. Яна денг, Хитойда тайёрланган технологик линия ўрнатилиб, пластмасса яшиқлар ишлаб чиқилмоқда.

Семинар давомига «Коинот Нур Зиё савдо» МЧЖ қўраётган янги бозорнинг асосий қисми ишга туширилди. Тадбиркор Мухтарам Азизова қўрған ҳаммом хизмат кўрсата бошлади. Семинар қатнашчилари «Севин» МЧЖ қўрған савдо дўкони билан нон чежини қизиқиб билан кўздан кечирди. Супермаркетда дастлаб 3 минг хил маҳсулот савдога чиқарилди. Цехда нон ва нон маҳсулотлари тайёрлана бошлади. Унинг қопыотлаштирилган тизимида ҳисоб-китоб қилишини айтмайсиқми!

Кенгаш қатнашчиларидан айримлари ўз мўлоҳазаларини билдиришди: **Шомурод ДОНАЕВ** — **Ҳузур тумани ҳўкимини, Олий Мажлис Сенати аъзоси:** — Китобда, дарҳақиқат, яхши тажриба бор. Биз ҳам тадбиркорликка катта эътибор бераёямиз. «Содиқ Маматов» фермер ҳўжалиги 25 минг товуққа мўлжалланган янги паррандахона қурапти. Аҳоли томирқаларида 1700 дан ошмиқ иссиқхона мавжуд. 200 гектар боғ барпо этилган. Семинар давомига ўрганганларимиз, бу тумандаги тажрибали раҳбарлардан албатта фойдаланамиз.

Али ТИЛОВОВ — **Шаҳрисабз тумани қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бошлиғи:** — Китоб тумани билан битта дарахдан сув ичамиз, еримиз, олти сотиқ томирқалар қарам ва картошқадан мўл ҳосил олаётганини кўрганда, бунга иқдор бўлишди. Шу қишлоқдаги Одил Эшев қўрған иссиқхона 60 туп лимон баракали ҳосил туққан...

Туманда маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлашга жиҳдий эътибор берилмоқда. Айни пайтда 6 та кичик қайта ишлаш корхонаси фаолият кўрсатади. «Богизар Варганза» фермер ҳўжалиги оғборхонаси Россияда тайёрланган совутиқлар билан жиҳозланган. Ҳозир унда 120 тонна олма сақланаётган экан. Бундай оғборхоналар туманда 3 та бўлиб, 3 минг тонна мева сақлаш имконига эга. Яна 2 та янги оғборхона қурилмоқда. Шу маънода, «Хасанов Шохрух Боқиевич» хусусий фермаси иши эътиборга молик. Бу жойда маҳсулот оғборхонаси билан бирга, иссиқхона қурилган. Яна денг, Хитойда тайёрланган технологик линия ўрнатилиб, пластмасса яшиқлар ишлаб чиқилмоқда.

Семинар давомига «Коинот Нур Зиё савдо» МЧЖ қўраётган янги бозорнинг асосий қисми ишга туширилди. Тадбиркор Мухтарам Азизова қўрған ҳаммом хизмат кўрсата бошлади. Семинар қатнашчилари «Севин» МЧЖ қўрған савдо дўкони билан нон чежини қизиқиб билан кўздан кечирди. Супермаркетда дастлаб 3 минг хил маҳсулот савдога чиқарилди. Цехда нон ва нон маҳсулотлари тайёрлана бошлади. Унинг қопыотлаштирилган тизимида ҳисоб-китоб қилишини айтмайсиқми!

Кенгаш якунида вилоят ҳўкимини Нуриддин Зайниев Юртбошимиз белгилаб берган тарақийёт режалари ва олдимизда турган муҳим вазибаларга алоҳида тўхталди. У кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳаётимиз янги ҳақиқат қилишини таъкидлади. Китоб туманида 45 минг хонадон бор. Вилоятда-чи? Агар ҳар бир хонадонда уй хунарманчиликни, боғ-роғ, сабзавот етиштириш оқилана йўлга қўйилса, ҳам дастурхон тўкин бўлади, ҳам ҳаётга файз кирди. Минглаб, ўн минглаб янги иш ўринлари яратилади, — деди у.

Семинар якунида Шаҳрисабз ва Яқабоб туманлари тажрибасини ҳам яқиндан ўрганишга кенгашиб олинди. Семинарда иштирок этган партиямиз фаоли, Қарши шаҳридаги **Роғузар маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳайбулла бобо Отабев** айтганидек: «Мамлакатимиз боғларга бурқансин, халқимизнинг нони бутун бўлсин!»

Юнус УЗОКОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Мулоҳаза

Ҳайдовчи масъулияти ва йўловчи маданияти

ёки йўл-транспорт ҳодисаларига сабаб бўладиган айрим хатти-ҳаракатларимиз хусусида

Ҳар куни ҳар қайсимиз уйдан чиқамиз, узоқми-яқинми йўл юрамиз. Табиийки, бу жараёнда ҳар ким мўлжалланган жойига иложи борича тезроқ етиб олишни ва режадаги ишни битиргач, оиласига, яқинлари даврасига эсон-омон қайтишни истади. Афсуски, кўча тасодифларга тўла. Баъзида қутилмаган йўл-транспорт ҳодисаси сабабли турли кўнгилсизлик содир бўлиши мумкин.


Хўш, бундай нохуш воқеа-ҳодисаларнинг олдини олиш учун нима қилишимиз, машинада ёхуд пиёда ҳаракатланиш чоғида қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор беришимиз лозим бўлади? Ёки бу борада ҳайдовчининг зиммасига қандай масъулият ва мажбуриятлар юкланади-ю, ўз навбатида йўловчи қайси талабларга, мезонларга амал қилиши керак?

Мусуристон КЎШБОЕВ.
Дўстлик шаҳарчасида истиқомат қилади:
— Яшайдиган манзил билан иш жойининг ораси 40-45 чақирим келади. Гоҳида автобусда, баъзан киракаш машинада ишга бораман. Автобус-ку, майли. Аммо, киракаш автоуловлар масаласи кишини ўйлантириб қўяди. Ёш, ҳали тажрибаси кам ҳайдовчилар машиналарини шу қадар тез ҳайдашдики, то манзилга етгунча юрак ҳреулаб борасиз. Бу ҳам камлик қилганидай автоуловчини йўловчилар билан тўлдириб олган ҳайдовчининг рулни бир қўлаб ушлаганича иккинчи қўлидаги уяли телефонда тўтсовис гаплашиб кетишига нима дейсиз? Унинг учун йўловчилар тақдирини, хавфсизлигини бир чақага ҳам арзимайдигандай туюлади. Аслида, рўй бераётган йўл-транспорт ҳодисалари, автохалокатларнинг сабабларидан бири шу эмасми?
Ўтказим ШУКУРОВ,
Жизза шаҳрининг «Қассоблик» маҳалласида яшайди, ҳайдовчи:
— Жуда ҳам унчалик эмас, аммо йўловчи ташиш билан боғлиқ ишда ҳушёрликни унутиб қўётган ҳамкасбаримизнинг борлигини

инкор этолмайман. Шу ўринда ҳайдовчи масъулиятини тан олган ҳолда йўловчи маданияти ҳақида ҳам озгина гапирмоқчи-дим. Шундай йўловчиларни ҳам учратадими, улар машинанингизга ўтиргач, ўзларининг шошаётганларини рўқач қилиб, сиздан юқори тезликда юришни талаб қилишади. Хатто, айримлари рўқат сўрамасдан салонда нос ёки сигарет чекишдан ҳам тап тортишмайдими. Булар ўз навбатида ҳайдовчининг асабини эгавламайдими, ҳаёлини чалғитмайдими?
Ойбек ХУДОЙБЕРДИЕВ,
аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатувчи «Бахмал шабадаси» хусусий корхонаси раҳбари:
— Йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатувчи шахсий автотранспорт воситаларининг кўпайгани яхши, албатта. Аммо уларни бошқараётган ҳайдовчиларнинг ҳаммаси ҳам шу иш билан шуғулланиши хуқуқини берувчи лицензияга эгамикин, деган ҳақли савол тўғрисида. Очиги, кўча-кўйда киракашлик қилиб юрган автоуловларнинг ҳайдовчилари орасида лицензияси борлари ҳам, йўқлари ҳам учраши табиий. Нега? Сабаби оддий: уларни фаолияти етарлики назорат қилинмапти. Тўғри, бу борада автомобиль ва дарё транспорт агентлигининг ҳудудий бўлими, солиқ инспекцияси, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан муайян тадбирлар ўтказилмапти. Хусусан, жойларда вақти-вақти билан кўшма рейдлар ўтказилапти.

Аммо бу ишлар тизимли йўлга қўйилмаган. Натижада йўналишларда рухсатномасиз қатнаётган киракаш машиналар тобора ортмоқда. Бундан биринчи галда йўловчилар — сизу биз азият чекаймиз, қолаверса, бюджетимиз зарар кўрапти.
Жўрабек ОКЎТАЕВ,
вилоят солиқ бошқармаси жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими бошлиғи:
— Йўловчи ташиш тартибига риоя қилиш бўйича йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, автомобиль ва дарё транспорт агентлигининг ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда йил бошидан бери 390 марта рейд ва текширувлар ўтказди. Натижада 489 ҳолатда хуқуқбузарликлар, яъни йўловчи ташиш фаолияти билан ноқонуний шуғулланиётган фуқаролар аниқланди.
Суд қарори билан 475 нафар хуқуқбузарга 145,3 миллион сўм миқдорда жарима қўлланилиб, давлат бюджетига тўлиқ ундирилди. Албатта, фақат жазоланган ҳал эҳтиш қилинган. Шунинг учун ҳам бу йўналиш юзасидан солиқ органлари томонидан аҳоли ўрта-сида мунтазам равишда тарбиёт-ташвиқот ҳамда тушунтириш ишлари олиб боришга жиддий эъти-

бор қаратилмоқда.
Муродбек ҲАЙДАРОВ,
Зафаробод туманида истиқомат қилади:
— Айрим киракаш ҳайдовчиларнинг йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига нисбатан бепиёнардорча муносабатини, хатто светофорнинг қизил чироғи ёниб турган жойларда ҳам ҳаракатланишдан тўхтаётганини, баъзан эса шундоққина қарама-қарши йўналиш бўйлаб ҳаракатланишдан ўзларини тийишмаётганини кўриб, ёқа ушламасдан иложингиз йўқ. Шу тарзда ҳаракатланиш алап-оқибат уларнинг йўловчилар, қолаверса, ўз йўлида кетаётган бошқа машиналару, улардаги одамлар учун ҳам жуда-жуда хавфли эканлигини, наҳотки, билишмасми? Тўйчи ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Жизза шаҳрида яшайди, ҳайдовчи:
— Шундай йўловчиларни ҳам кўраётимизки, улар катта йўлни ўзлари хоҳлаган жойда, кўнгиллари туссаган пайтда бемалол кесиб ўтаверишади. Уйлаб қолсан киши: бундайлар ўзларининг қушқондан чиққан шу каби хатти-ҳаракатлари билан йўлларда автомашиналар қатновига халақит беришаётганини, қутилмаган йўл-транспорт ҳодисаларига сабабчи бўлишаётганини билишармикан? Яна бир мулоҳаза: бола-лар боғчалари ва мактабларда фарзандларимизга йўл ҳаракати



қоидаларидан сабоқ берилишини биламиз. Лекин яна ўзимиз, яъни, ота-оналар шу қоидаларга амал қилмасдан ўғлимизу қизимизни, ёки неварамизни қўлидан етаклаганча машиналар гиз-гиз ўтиб турган серкаторов йўлининг дуч келган жойидан ўтиб-қайта-верамиз. Энди ўзингиз айтинг, бундай шaroитда ўқитишу ўргатишнинг таъсири қай даражада бўларкан?
Баҳром САИДАЗИМОВ,
республика автомобиль ва дарё транспорт агентлиги вилоят ҳудудий бўлими мутахассиси:
— Биласизми, йўловчи ва юк ташиш учун лицензия олиш кишидан кўп вақт ёки катта маблағ талаб қиладиган мушкул иш эмас. Бу масала кейинги йилларда ҳуқуқ қарорлари билан соддалаштирилди. Бунинг учун шу иш билан шуғулланишни ниёт қилган автомашина эгаси аввало бирон-бир хуқуқий мақомга эга ташкилот, фирма ёки корхонага аъзо бўлиб кириши ҳамда машинасининг йўловчи сирими ва юк кўтариш қувватига кўра белги-ланган давлат божини тўлаши кирфоя. Бундай амалларни бажариш учун бир-икки соат вақт етарли бўлади. Шу билан бир қаторда

лицензия олиш чоғида автомашинанинг техник ҳолати, қулайлиги каби ҳолатларга ҳам эътибор қаратилишини унутмаган маъқул. Ана шу талабларга жавоб бермаган тақдирда бундай автоуловга махсус рухсатнома берилмайди.
Шавкат МИРЖАЛИЛОВ,
вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ахборот хизмати раҳбари:
— Биргаликда қилинган ҳаракатларимиз эъзига вилоятимиз ҳудудида йўл-транспорт ҳодисалари ҳамда улардан келиб чиқётган кўнгилсиз оқибатлар йил сайин камаймоқда. Масалан, йил бошидан бери бундай ҳодисалар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,6 фоизга, турли даражадаги тан жароҳатлари олганлари сони 13,2 фоизга, ҳалок бўлганлар 2,8 фоизга озайган...
Кўриб турганингиздай, турли-

ча фикрлар, турлича қарашлар, ҳар хил мулоҳазалар.
Шу ўринда таҳлил учун бир икки рақамни келтирайлик: ҳар йили ер юзидан 1,5 миллиондан кўпроқ одам йўл-транспорт ҳодисасидан ҳалок бўлади, 50 миллиондан ортиқ киши турли даражада тан-жароҳати олади. Шуларнинг ўрнига ўзимизни, ота-онамизни, ака-укаларимизни, опа-сингилларимизни фарзандларимизни қўйиб қўрайлик. Тавба, дея ёқа ушлашимиз шубҳасиз.
Одатда, йўл-транспорт ҳодисаларига кўпроқ сабаб бўладиган икки тушунча бор. Булар ҳайдовчи масъулияти ва пиёда маданияти. Бу иккаласи бир-бири билан шу қадар узвий боғлиқки, бирини иккинчисидан айри ҳолда тасаввур қилиш мушкул. Иккаласи уйғун, бус-бутун бўлсагина, бир-бирини тўлдириб, бийитиб туради ва бизга ҳаётнинг мазмунини, умрнинг маъносини ҳақиқат аслади боради. Бинобарин, рўй берган ҳар қандай йўл-транспорт ҳодисаси чоғида айбни четдан, бошқа бировдан эмас, ўзимиздан қидирайлик. Чунки, ҳайдовчи ҳам, йўловчи ҳам бошқа одам эмас, сизу биз, ўзимиз...
Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Шу азиз Ватан — барчамизники!

Тинчлик, тотувлик — бебаҳо бойлигимиз

Дунёда глобаллашув жараёнлари тобора тезлашиб, геосиёсий манфаатлар йўлида турли ўйинлар авж олаётган бир шароитда қатор мамлакатларда миллий низолар кучайиб, оғир оқибатларга олиб келаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бунга яқин-атрофдаги ва биздан узоқдаги ҳудудлардан ҳам кўпплаб мисоллар келтириш мумкин.

Миллий адоватлар доирасидаги нохуш, хавфли воқеалар, фожиаларни кўриб, уларнинг сабаблари ҳақида мулоҳаза юритиб, мамлакатимиздаги миллий тотувлик, ҳамжиҳатлик, тинчлик-ҳотиржамликдан беихтиёр гурурлана-сан, бу қадриятларни асраш, авайлаш, кераклиги ҳақида ўйлайсан киши.
«Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил хуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар». Конституцияда келтирилган бу тамойилларга ҳаётда қатъий амал қилиб келинмоқда.
Шу боис фуқароларимиз қайси миллат вакили бўлмасин, Ўзбекистонни азиз ва муқаддас Ватан деб билади. Келинг, узоққа бормасдан яқинда ўз поёнига етган XVI Осий ўйинларини ёдга олайлик. Гуанчжоуда ўтказилган қўшма миллий мусобақасини ҳаммамиз хаяжон билан кузатдик. Спортчиларимиз қайси миллат вакили бўлмасин, мамлакатимиз шаънини улуғлашга дилдан интилди. Улар эришган ғалабалар ҳаммамизни қувонтирди.
Ҳеч мулоҳазасиз айтиш мумкинки, бугун кўпгина чет эл арбоблари, сиёсатчилари миллатлараро муносабатларни қадрлаш, мустаҳкамлашда Ўзбекистон тутаётган йўл энг самарали ва ибратли эканлигини таъкидлашмоқда.
Албатта, бундай эътирофларга мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ миллатлараро муносабатларга давлатимиз томонидан жиддий эътибор қаратилгани, ўтган давр мобайнида яратилган қонунчилик асослари, кенг қўламада олиб борилган тарафбат ишлари эъзига эришилди.
Даставвал, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёнотида миллатлараро муносабатларга бўлган эътиборнинг моҳияти аниқ белгиланди. Унда

«Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз, бу — жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро тинчлик ва ҳамжиҳатликдир.»
Ўзбекистон ўз ҳудудида яшовчи барча миллат вакилларига тенг сиёсий хуқуқларни келаш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қатъий қарши чиқиши эълон қилинди. Бундай қоида 1991 йилнинг 31 августидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида» қонунда ҳам мустаҳкамлаб қўйилди. Қолаверса, диний баркиренгликнинг хуқуқий асоси сифатида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» қонун қабул қилинди.
Унда Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги ҳақидаги конституциявий тамойил ижодий ривожлантирилди. Хусусан, Конституциямизнинг 31-моддасига кўра, «Ҳамма учун виждон эркинлиги қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик хуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран синдиришга йўл қўйилмайди.»
Ортимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатларнинг тили, дини, маданияти, урф-одати, анъаналарини ривожлантириш мақсади-

«Янгийўл ЁҒ-МОЙ»

акциядорлик жамияти жамоаси

Золотая Корона

Халқимизни кириб келаётган янги — 2011 йил билан муборакбод этади.

Бунёдкорлик ва юрт ободлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган фидойи инсонлар хонадонидан тинчлик, хотиржамлик, қут-барақа аримасин!

Байрам муборак бўлсин, азизлар!

Абдулсалим МАҲМУДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ



*Серқуёш Ўзбекистонимизнинг барча фуқароларини,
мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти юксалишига
ҳисса қўшаётган корхоналарнинг ишчи-хизматчиларини,
муҳандис-техник ходимларини кириб келаётган*

ЯНГИ – 2011 ЙИЛ БИЛАН

самимий муборакбод этади.

*Осойишталик, фаровонлик
юртимизни ҳеч қачон
тарк этмасин!*

*Она диёримиз ва унинг
мусаффо осмони узра
ҳуррият қуёши тоабад
нур сочиб турсин!*





«АСАКА» банки (ОАЖ) жамоаси

юртдошларимизни, ўз акциядорлари ва
мижозларини яқинлашиб келаётган

ЯНГИ ЙИЛ билан муборакбод этади.

2011 йил барчамизга омадли ва баракали келсин!

Дастурхонларимиз тўкин, ҳаётимиз файзли бўлсин!

Она юртимизда
ҳамиша байрам шукуҳи
кезиб юрсин!

2011


Тошкент вилояти **«МАТЛУБОТ – ИНВЕСТ»**
давлат унитар корхонаси жамоаси

Халқимизни **ЯНГИ — 2011 ЙИЛ** билан
самимий муборакбод этади.

Мамлакатимизнинг гулаб-яшнашида, иқтисодиётимиз мустаҳкамланиб
боришида бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз.

Бунёдкорона меҳнатимиз юртимизга, ҳар бир хонадонга қут-барака олиб кирсин.

**Янги йилнингиз қутлуғ
бўлсин, азизлар!**



Тахририятимиз меҳмони


Поёнига етган йил мамлакатимиз футбол тарихида ёрқин из қолдирди. Футзал бўйича мамлакат терма жамоаси Осиё чемпионатида кумуш медаль билан тақдирланди.

Яна бир аҳамиятли жиҳати — яқунланаётган йилнинг ёзига Жанубий Африка Республикасида ўтказилган жаҳон чемпионатида илк бор Ўзбекистон вакили, иқтидорли ҳакам Равшан Эрматов учрашувларни бошқарди.

Президент Ислон Каримовнинг Фармонида кўра, ўзбек футболнинг шаънини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун халқаро тоифадаги ҳакамлар Равшан Эрматов «Ўзбекистон ифтихори», Рафаэл Илсөв «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Кунни кеча уни тахририятимизга таклиф этиб, ўтаётган йил яқунлари, келгуси режалари ва футболимиз истиқболи ҳақида суҳбатлашдик.

Равшан ЭРМАТОВ: «ВАТАН ШАЪНИНИ УЛУҒЛАШ — ЭНГ КАТТА БАХТ!»



нинг бир қатор тажрибали му- тахассислари орасида «Энг яхши ҳакам» номинациясида голиблики кўлга киритишимни тасаввур ҳам қила олмасдим.

Тан олишим керак, яқунла- наётган йил мен учун анча омадди келди. ФИФА то- мидан жаҳон чемпионатида бир эмас, бешта учрашув ишониб топширилгани кўн- гилмини тоғдек кўтарди ва уларни ишонч билан бошқаришга ҳаракат қилдим.

— Мен учун энг катта мукофот — Президентимизнинг мин- натдор бўлиб айтган сўзлари, халқимизнинг ҳурмати, деб биламан. Шулар ҳақида ўйла- сам, Ватан шаънини улуғлаш энг катта бахт эканини юрак- юракдан ҳис этаман.

— 2011 йилнинг январида Дохада навбатдаги Осиё чемпионати финал босқичи бўлиб ўтади. Яқинда сиз ва яна бир ҳамюртимиз Валентин Коваленко бош- қилиқ қилаётган ҳакамлар гуруҳи Куала-Лумпур (Малайзия)да ана шу мусо- бақа олдидан ташкил этил- ган семинарда қатнашди.

— Равшан, қаторасига учинчи мартаба Осиёнинг «Энг яхши ҳаками» бўлди- нгиз. Сиз учун бу соврин- ларнинг ҳар бири ўзига хос аҳамиятга эга, албатта...

— Бундан уч йил илгари ана шу совринни топшириш ма- росимида қаттиқ ҳаяжонлан- ганман. Чунки ўшанда қитъа-

бўйича биринчи ўринни эгал- лади. Ҳозирда ёрдამчиларим Абдулхамид Расулов ҳамда Рафаэл Илсөв билан бирга, Осиё чемпионатида ҳозирлик кўраяпмиз. ОФК қарорига кў- ра, унда Валентин Коваленко гуруҳимизнинг захирадаги ҳаками сифатида фаолият кўрсатадиган бўлди.

— Жаҳон чемпионатида сизга ёрдამ берган ФИФА лансмени, киргизистон- лик Баҳодир Қўчқоров ҳам Осиё чемпионатида қатна- шадими?

— Баҳодир Қўчқоров бошқа гуруҳда уммонлик ҳакамлар билан бирга, майдонга чиқа- ди. Шу ўринда таъкидлаш ке- ракки, ОФК қитъа чемпио- натида биздан ташқари яна ўн битта ҳакамлар гуруҳига ишонч билдирган. Улар ора- сидан илк мартаба осиё- ликлар билан бирга, Африка қитъасидан жазоирлик ҳакам- лар гуруҳи ҳам жой олган.

— Маълумотларга қара- ганда, ФИФА вакиллари Осиё чемпионати мобай- нида 2014 йилги бўладиган жаҳон чемпионати учра- шувларини бошқаришга номзод ҳакамларни куза- тиб боришаркан...

— Тўғри, яқинда Куала-Лум- пурда ўтган семинарда ФИФА ҳакамлар қўмитаси бошлиғи Фернандо Тересакки таширф буюрди. Унинг таъкидлаши- ча, Осиё кубогида ФИФАнинг махсус вакиллари ҳакамлар фаолиятини кузатиб, улар орасидан Бразилияда 2014 йили бўладиган жаҳон че- мпионати учрашувларини бош- қаришга номзодларни сара- лаб олишар экан.

— Сир эмас, сиз жаҳон чемпионати учрашувларини бошқарганингиздан кейин ҳамюртларимизда ҳакамлик соҳасига ҳам қизиқиш сезиларли дара- жада ортди. Қатто, айрим ота-оналар ўз фарзандларининг ҳакам бўлишини орзу қилаётганлигини ҳам яширишмапти. Бугун- ги кунда мамлакатимизда малакали ҳакамлар тайёр- лаш ишлари қандай йўлга қўйилган? Бу соҳанинг ис-



«Энг яхши ҳакам» номинациясида Осиё чемпионатида кумуш медали билан тақдирланди.

тиқболига қандай баҳо бе- расиз?

— Мамлакатимизда иқти- дорли ҳакамларни излаб то- пиш ва уларни тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. УФФ қошида улар билан мах- сус мутахассислар иш олиб бормоқда. Аммо малакали ҳакам бўлиш учун фақат иқ- тидорнинг ўзи камлик қила- ди. Бу кишидан катта машақ- қат, ирода ва кучли билим та- лаб этади. Агар халқаро ми- қёсда оладиган бўлсак, бун- дан беш йил илгари Осиёда ҳакамлар элита тизими йўл- га қўйилган бўлиб, унда Ўз- бекистонга атиги битта жой ажратилганди. Ҳозир эса ўз- бекистонлик бир йўла тўртта ҳакамлар гуруҳи халқаро миқёсдаги учрашувларни бошқариш имкониятига эга.

— Шунингдек, юртимизнинг ёш ҳакамлари ОФКнинг «Ке- лажак» лойиҳаси бўйича ўт- казиллаётган семинарларда мунтазам иштирок этишмоқ- да. Бу эса мамлакатимизда соҳани ривожлантириш тўғри йўлдан бораётганлигини кўрсатиб турибди.

— Яқинда Хитойда бўлиб ўтган Осиё чемпионати финалида Япония — Бир- лашган Араб Амирликлари терма жамоалари учрашувини ҳамюртлимиз Ва- лентин Коваленко бошқариб борди. Ҳамкасбингиз фаолияти хусусида нима дея оласиз?

— Ишонасизми, Валентин Коваленконинг финал ўйи- нига тайинланганини унинг ўзидан илгари ашитгандим. Чунки ўша маҳалда мен ОФК- нинг Малайзиядаги қарор- гоҳида эдим. Ҳакамлар бў- лимини бошлиғи япониялик Йо- шими Огаша билан суҳбат- лашганимда, финалга Ва- лентинни қўйишини айтди. Аммо бу хабар ўша пайтда хали эълон қилинмаганди. Шу боис, хурсандлигимдан дар- ров Валентинга кўнжироқ қил- дим. Уни табриклардим ва омад тиладим.

— Мен бу ҳамюртлимизнинг ўз устиди қандай ишлашини ва тиришқоқлигини яхши била- ман. Уни кўпгина жаҳонда на- фақат ёшларга, балки бошқа ҳакамларимизга ҳам ўрнак қилиб кўрсатса арзийди. Ва- лентин Коваленко — келажа-

ги порлок, профессионал ҳа- камларимиздан бири.

— Сиз ФИФА рефериси сифатида кўплаб халқаро учрашувларни бошқариб келасиз. Бугунги футболимиз савияси хусусида нима дея оласиз?

— Кейинги йилларда мам- лакатимизда футболни янада ривожлантириш йўлида катта ишлар амалга оширилипти. Профессонал футбол клуб- ларига асос солинмоқда. Аммо қитъамизда футбол Шарқий ва Ғарбий минтақага ажралган ҳолда кун сайин жа- дал ривожланаётганлигини таъкидлашни истардим. Агар Осиё чемпионлари лигаси ёки ОФК кубоги баҳсларида иш- тирок этаётган жамоалар кўр- сатаётган ўйинлар мисолида айтадиган бўлсам, улар ўз жамоалари тарихига кучли ва тажрибали легионерларни жалб қилишга катта эътибор қаратишмоқда. Юртимизда футболни ривожлантириш тўғри йўлдан бормоқда. Ле- кин клубларимиз ийрик мусо- бақаларда ғалаба қозонишни ўз олдларига мақсад қилиб кўяр эканлар, аввало кучли таркибли шаклантириш ва футболчиларга профессионал руҳни сингдиришлари лозим деб ўйлайман.

— Равшан, янги йил ара- фасида оилангизда бир йўла эгиз — ўғил ва қиз фарзандлар дунёга келга- ни билан табриклаймиз. Қалбингиз кувончга тўлиб турган айни дамларда юрт- дошларимизга қандай тил- лар билдиришини истай- сиз?

— Худого шукр, ўтаётган йил ҳаётимда унутилмас во- кеаларга бой бўлди. Йил охи- рига келиб, турмуш ўртоғим Муродахон билан орзулари- миздан бири ушалиб туриб- ди. Оиламизда ҳам ўғил, ҳам қиз дунёга келди. Шундай ку- вончли дамларда барча юрт- дошларимизни яқинлашиб келаётган Янги йил билан му- боракбод этаман. Барчалари- нинг хондонларига тинчлик- хотиржамлик, бахт-саодат ти- лайман. Янги йил юртимизга кут-барака, миллионлаб фут- бол мухлисларига кўндан-кўп кувончлар келтирсин!

Эркин ХОЛБОБО суҳбатлашди.

Хорижда



Лари муомаладан чиқарилади

рубль эса муомалада қолади

Янги йил байрами тантаналаридан сўнг, анкироги, 2011 йил 10 январдан кейин Жану- бий Осетианинг барча ҳудудларида Грузия пул бирлиги — лари муомаладан чиқарилади.


Лари билан бирга муомалада бўлган Рос- сия рубли эса савдо-сотикада ўзаро муомала воситаси бўлиб қолаверади.

Жанубий Осетия Республикаси Ахборот, алоқа ва оммавий коммуникация давлат қўми- тасидан олинган манбаларга асосланиб «РБК daily» бу ҳақда хабар тарқатди.

Шифокорларнинг чорак қисми

ўз аризасига кўра...

Чехиянинг 200 та шифохонасида меҳнат қилаётган 16 минг шифокорнинг чорак қисми — 4192 нафари маошлари озлигидан норози бўлиб, 2011 йил 1 январдан ишдан бўшаши ҳақида ариза берган.



«Ceske Noviny» газетаси хабар беришича, Чехиядаги 78 та шифохонада оммавий иш- дан бўшаш ҳолати кузатишмоқда. Жумладан, Височина ўлкасида 80 фоиз, Моравскоси- лезск ўлкасида 60 фоизга яқин шифокор ари- за берган. Врачлар ушмаси вакилларининг айтишича, улар чет эллардан иш қидириш- моқчи ёки ўзларининг хусусий тармоғини йўлга қўймоқчи.


Шифокорлар талабларини қондириш учун ҳукумат ояига 6 миллион крон миқдорда маблағ топшишга тўғри келади. Аммо маъму- рият маошлар оширилишига имкон йўқлиги- ни айтмоқда. Соғлиқни сақлаш вазири Леош Хегер шифокорларни аризаларини қайтиб олишга, ишлаб чиқилган тиббий ислохотлар шу кунларда амалга жорий этилгач, ахвол яхшиланиши ва шунгача сабр қилиб туришга чақирмоқда.

Маълумки, Чехияда ишдан бўшаш ҳақида ариза берган киши, 2 ойдан сўнг ишдан бўша- тилади. Демак, 2011 йил 1 мартдан кейин кўпгина шифохоналар малакали шифокорлар- га муҳтожлик сеза бошлайди.

Барча таълим муассасаларида

сигарет чекиш тақиқланади

Грузия парламенти «Тамаки истеъмولى назорати тўғрисида» янги қонун лойиҳасини қабул қилди.



Бу қонунга кўра, эндиликда олий ўқув юрт- ларида, лицей ва коллежларда, шунингдек, мактаб ва боғчаларда сигарет чекиш мумкин эмас. Нафақат ўқув даргоҳларида, балки улар- нинг атрофида ҳам тамаки маҳсулотлари сав- доси қатъиян тақиқланади.

«Новости-Грузия» АА хабар қилишича, ким- да-ким бу тартибни бузса, унга нисбатан 200 лари (113 доллар атрофида) миқдорда жа- рима жазоси белгиланади. Ўқув даргоҳлари яқинида тамаки савдоси билан шуғулланган шахс эса 50 лари (28 долларга яқин) миқдор- да жаримага тортилади.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги «VERO MIRINO» масъулияти чекланган жамияти (ИНН 300872577, ОКПО бўйича код 22454256) устав фонди миқдори 117759600 сўмдан 4 116 000 сўмгача камайтирилишини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Очк акциядорлик тижорат банки «Кишлоқ қурилиш банк» жамоаси бош амалиётлар бош- қармаси ходими Шаҳноза Холмуҳамедовага во- лдани муҳтарамаси ШОИРАХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси жамоаси Республика Шошнинг тиббий ёрдამ илмий мар- кази Самарқанд филиали директори, профессор Юсуф Аҳмедова отаси Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор МАХМУД АХМЕДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги ПК-910-қарорига асосан қуйидаги объектларнинг қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Table with 4 columns: №, Объект номи ва манзили, Бошланғич нарх (КҚС билан (млн.сўм), КҚСсиз (млн.сўм)), Қурилиш мuddати

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй, Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Объектларнинг қурилиш ишларини молия- лаштириш — Болалар спортини ривожлантириш жамағармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабдорлар қуйидаги шартларга жавоб бериши керак: танлов савдолари предмте- тининг 20 фоизи миқдориди айланма маб- лаланинг ёки кўрсатиб ўтилган маблагни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизмат- лар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудли- ги, етарли касбий ва техникавий малака, мо- лиявий имкониятларга, шартнома тузиш юза- сидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иш- тирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари

учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда ту- тилади: танлов иштирокчиларининг тақлифлари баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиш кўзда ту- тилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этил- ган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи сум- масига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташки- лотчиси — «Ўздавархитектура» қўмитаси- нинг қурилишда танлов савдолари ва нархлар- ни шакллантириш Сурхондарё вилояти худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳри, Амир Темуру кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 100 000 — 120 000 сўм. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчи- сига тақдим этишининг охири мuddати — офер- талар очилиши кун ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон мат- буютда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда:

Термиз шаҳри, Амир Темуру кўчаси, 69-уйда ўтказилади.

ЎЗБЕКISTON КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ЯНГИ — 2011 ЙИЛ МУНОСАБАТИ
БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

Бошқарма тасарруфидо фаолият юритаётган шифобахш, табиий иқлимга, маъданли сувларга ва барча даволаш имкониятларига эга бўлган санаторий ҳамда курорт муассасаларида даволаниш ва дам олишга Сизларни чорлаймиз.



Тошкент шаҳрида:
«ТУРОН» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар.
«ЧИНОБОД» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Хазм аъзолари, қанд (диабет), гинекологик ва андрологик касалликлар.

«БОТАНИКА» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб (марказий ва периферик) тизими ва хазм аъзолари касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

«БЎСТОН» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар.

«УМИД ГУЛШАНИ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Гинекологик ва андрологик касалликлар.

«ОКТОШ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

«СИТОРАИ МОХИ ХОСА» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Буйрак касалликлари (ёз фаслида).

Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. Телефонлар: 256-85-68, 256-70-97.

харакат ва асаб тизими, хазм аъзолари ва андрологик касалликлар.

Жиззах вилоятида:
«ЗОМИН» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Нафас аъзолари (сил касалликларидан ташқари) ва асаб тизими касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Қашқадарё вилоятида:
«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак, асаб тизими, ҳаракат ва хазм аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар.

«МИРОҚИ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Асаб (марказий ва периферик) тизими ва қон айланиш аъзолари касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Навоий вилоятида:
«ОЛТИН СОАТ» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Харакат таянч, юрак-қон томир касалликлари.

Наманган вилоятида:
«ЧОРТОҚ» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиши, ҳаракат, хазм аъзо-

лари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Самарқанд вилоятида:
«АБУ АЛИ ИБН СИНО» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.


Фарғона вилоятида:
«ЧИМЁН» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликлар.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Хоразм вилоятида:
«ХОНҚА» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб тизими, ҳаракат аъзолари, гинекологик ва тери касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

«УЗВИНОСАНОВАТ-ХОЛДИНГ»
компанияси жамоаси
юртдошларимизни
кириб келаётган
2011 ЙИЛ
билан муборакбод этади.



«ЎЗВИНОСАНОВАТ-ХОЛДИНГ»

компанияси жамоаси

юртдошларимизни
кириб келаётган

2011 ЙИЛ

билан муборакбод этади.

Янги йил ҳар биримизга
бахт-саодат, омад ва
муваффақиятлар олиб келсин!

Дастурхонларимиз
тўқин, ҳаётимиз
файзли бўлсин!



«ЎЗПАХТАСАНОАТ»

УЮШМАСИ
ЖАМОАСИ



Халқимизни яқинлашиб келаётган

ЎЗПАХТАСАНОАТ — 2011 ЙИЛ билан самимий муборакбод этади.

Келаётган йилимиз барчамизга бахту омад, сиҳат-саломатлик, хонадонларимизга файзу барака олиб келишини Яратгандан сўраб қоламиз. Кўнгилларни орзу-умидлар, эзгулик, шодлик ва шукроналик асло тарк этмасин!

Қилаётган меҳнатимиз, эзгу сабъ-ҳаракатларимиз юртимизга, оилаларимизга қут-барака олиб кирсин!

Ватанимизда тинчлик, хонадонларда тотувлик, кўнгилларда осойишталик, келажакка ишонч туйғулари абадий бўлсин!



2011

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Latif G'ULOMOV

Bobir ALIMOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV

Ta'ryana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

G'affor HOTAMOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihiddin MUHIDDINOV

Andrey KUSTOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti

233-10-13

Madaniyat va sport

233-69-45,

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot

233-20-36,

233-44-55

Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot

233-12-56

Reklama va e'lonlar

233-38-55,

233-47-80

Mas'ul kotib

233-72-83,

236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda —

(374) 225-32-70

Buxoroda —

(355) 223-06-02

Gulistonda —

(367) 225-46-45

Jizzaxda —

(372) 227-48-35

Navoiyda —

(436) 223-83-73

Namanganda —

(369) 226-43-81

Nukusda —

(361) 222-77-21

Samarqandda —

(366) 235-02-55

Urganchda —

(362) 517-30-58

Farg'onada —

(373) 224-18-78

Denovda —

(376) 412-37-80

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT,
MATBUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi:

Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1149

7568 nusxada bosildi

1 — Tijorat materiallari

ISSN 2010-7633

O'zA yakuni — 21.30

Topshirilgan vaqti — 23.15

1 2 3 4 5

Sotuvda erkin narxda